МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

1996 йилдан чиқа бошлаган ✵ 2013 йил 15 июнь. Шанба №51 (912) ✵ www.mahallagzt.uz ✵ info@mahallagzt.uz

# МУШТАРАК ОЛИЖАНОБ МАҚСАДЛАР — МУСТАҲКАМ ДЎСТЛИК АСОСИ

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 13 июнь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.**

Ташрифнинг асосий тадбирлари 14 июнь куни Кўксаройда бўлиб ўтди. Олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Қозоғистон Республикаси Президенти шарафига фахрий қоровул саф тортди. Икки давлат раҳбарлари шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Икки давлат раҳбарлари тор доирадаги музокараларда Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларини ривожлантиришнинг муҳим масалаларини, минтақадаги ва халқаро майдондаги бугунги ҳолатни атрофлича муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг кўриб чиқилган икки ва кўп томонлама хусусиятга эга деярли барча масалалар бўйича позиция ва ёндашувлари ўхшаш ва яқин экани таъкидланди.

Томонлар мамлакатларимиз ўртасида олий даражадаги давлатлараро мулоқотлар қарор топганини ҳамда давлатларимизнинг миллий манфаатларини ва бугунги давр талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳамкорликни ҳар томонлама янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш борасидаги интилишлари муштарак эканини таъкидладилар.

Қатъий сиёсий ирода, яқин ҳамжиҳатлик, мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий база ҳамда конструктив ҳамкорлик борасида тўпланган катта тажриба натижасида бугун узоқ муддатга мўлжалланган кенг кўламли самарали ҳамкорлик учун барча зарур шароитлар ва асослар яратилган.

Ўзбекистонда Қозоғистонга вақт синовидан ўтган ишончли қўшни сифатида қаралади. Қозоғистон ҳам мамлакатимизга ана шундай нуқтаи назар билан қарайди.

Ўзбек ва қозоқ халқларини кўп асрлик қардошлик ришталари, муштарак тарих ва тақдир, маънавий ва маданий қадриятлар, ўхшаш тил ва менталитет бирлаштириб туради. Таъкидланганидек, халқларимизнинг умумий тарихий меросини, шунингдек, уларнинг бугуни ва келажагини бир-биридан ажратиб бўлмайди. Биз ҳар доим ўзаро яқин бўлганмиз ва ҳамиша бир-биримизга суянамиз.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш нафақат ўзаро ҳамкорликнинг узоқ муддатли истиқболлари, айни вақтда бутун Марказий Осиё минтақаси барқарорлиги ва равнақини таъминлаш нуқтаи назаридан ҳам алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев минтақавий хавфсизлик масалаларини муҳокама қилар эканлар, Ўзбекистон ва Қозоғистон Афғонистондаги вазият тезроқ изга тушишидан манфаатдор эканини таъкидладилар ҳамда давлатларимизнинг ушбу мамлакат иқтисодиётини тиклашга қўшаётган ҳиссасини ижобий баҳоладилар.

Томонлар минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасида алоқаларни янада фаоллаштириш ва ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар. Кўп томонлама тузилмалар доирасидаги ҳамкорликни изчил ривожлантириш барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади ҳамда минтақавий ва халқаро даражада тараққиётнинг янги йўналишлари учун замин яратади. Шу маънода Ўзбекистон ва Қозоғистон бундан буён ҳам БМТ, МДҲ, ШҲТ каби кўп томонлама тузилмалар доирасида бир-бирини ўзаро қўллаб-қувватлашга тайёр.

Учрашув чоғида икки ва кўп томонлама ҳамкорлик доирасидаги муносабатларга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш, юзага келиши мумкин бўлган муаммоларга халқларимизнинг туб манфаатларидан келиб чиққан ҳолда биргаликда ҳар икки томон учун мақбул ечим топиш мақсадида олий даражадаги Ўзбекистон — Қозоғистон мулоқотини давом эттиришга келишиб олинди.

Президентлар терроризм, наркотрафик, диний экстремизм, сепаратизм, трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашишда ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш муҳим эканлигини таъкидладилар.

Томонлар Ўрта Осиёда сувдан адолатли фойдаланиш тизими масалаларида ягона позицияни тасдиқладилар. Мазкур позиция минтақадаги барча сув-энергетика муаммоларини фақат халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари ва минтақадаги барча мамлакатларнинг манфаатларини албатта ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиш зарурлигига асосланади. Дарёларнинг юқори қисмида қурилиши режалаштирилаётган ҳар қандай гидротехник иншоотлар БМТ шафелигида халқаро мустақил экспертизадан ўтказилиши шарт ҳамда Амударё ва Сирдарёнинг қуйи қисмида жойлашган мамлакатлар билан ўзаро келишиб олиниши лозим.

Президентлар музокарани икки мамлакат расмий делегациялари аъзолари иштирокида давом эттирдилар.

Кенгайтирилган таркибдаги музокараларда асосий эътибор савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик масалалари, маданий-гуманитар соҳадаги муносабатларга қаратилди.

Қозоғистон Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий соҳадаги муҳим шерикларидан бири бўлиб, ўзаро савдо изчил ва барқарор ўсиб бормоқда. 2012 йил якунларига кўра, мамлакатларимиз ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 9,6 фоиз ошди ва 2 миллиард 752 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. 2013 йилнинг январь-апрель ойларида эса ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,7 фоиз ўсди ва 920,4 миллион долларга етди.

Транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорлик ўзаро муносабатларнинг устувор йўналишларидир. Бу борада юкларни транзит қилиш ва етказиб беришни ташкил этишда тариф ва нотариф преференциялар бериш ҳамкорликнинг асосий жиҳатлари ҳисобланади. 2012 йил якунларига кўра, Ўзбекистоннинг Қозоғистон ҳудуди орқали транзит қилинган юклари ҳажми 1474,6 минг тоннани, Қозоғистоннинг Ўзбекистон ҳудуди орқали транзит қилинган юклари ҳажми 3142,9 минг тоннани ташкил қилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида Қозоғистон капитали иштирокида тузилган 177 корхона, шу жумладан 149 қўшма корхона ва 28 тўлиқ чет эл капитали иштирокидаги корхона фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида Қозоғистон ҳудудида Ўзбекистон Республикаси резидентлари иштирокида ташкил этилган 125 корхона рўйхатга олинган. Вазирлик томонидан Қозоғистоннинг қатор йирик фирма ва компанияларининг ваколатхоналари аккредитация қилинган.

Давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг бугунги динамикасини сақлаб қолиш ва уни янада кўпайтириш мамлакатларимиз манфаатларига хизмат қилади. Музокараларда таъкидланганидек, мувозанатлашган тизим асосида ҳамда икки мамлакат миллий ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларининг ўзаро эҳтиёж мавжуд бўлган товар гуруҳларини синчковлик билан аниқлаш орқали ўзаро савдо номенклатурасини кенгайтириш мумкин. Мисол учун, Ўзбекистондан Қозоғистонга енгил ва юк автомобиллари, автобуслар, қишлоқ хўжалик техникаси, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, электротехника ва енгил саноат маҳсулотлари, қурилиш материаллари, ойна, полиэтилен ва Қозоғистон бозорида талаб бўлган бошқа товарларни экспорт қилиш бўйича ишга солинмаган катта захиралар мавжуд. Ўз навбатида, Ўзбекистон Қозоғистондан мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган, миллий иқтисодиётимиз эҳтиёжлари учун зарур бўлган, жумладан, металлпрокат, темир қотишмаси, ёғоч ва тахта каби маҳсулотларни импорт қилиши мумкин.

Томонлар икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия фаолиятини янада такомиллаштиришдан манфаатдор. Бу узоқ муддатли кооперация тамойиллари асосида ўзаро манфаатли сармоявий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, транспорт, транспорт коммуникациялари ва транзит соҳаларидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, «Туркманистон — Ўзбекистон — Қозоғистон — Хитой» газ қувури орқали табиий газни транспортировка қилиш бўйича ҳамкорликни фаоллаштириш имконини беради.

Президентлар маънавий яқинлик ва кўп асрлик анъанавий муносабатларга асосланган маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини ҳам муҳокама этдилар.

Икки мамлакат илмий ва таълим муассасалари ўртасида ўқитувчилар ва талабалар алмашинуви, ўқув-методик материаллар алмашиш борасида тўғридан-тўғри алоқалар йўлга қўйилган. Хусусан, 2006 йилда Хоразм Маъмун академияси билан Қозоғистон Республикаси Таълим ва фан вазирлигининг Р.Сулаймонов номидаги Шарқшунослик институти ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланган.

(Давоми 2-бетда.)

КОЛЛЕЖ — КОРХОНА ҲАМКОРЛИГИ

## ЮРТ ИСТИҚБОЛИ ЁШ АВЛОД ИҚБОЛИДА



**Президентимиз Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ёш авлод камолоти ҳақида гапириб, уларни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган, ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялаш масаласи Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканини таъкидладилар.**

Шунингдек, ёшларни, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш масаласи доимий диққат марказида бўлиши лозимлигига эътибор қаратдилар.

Айни пайтда воҳада бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда вилоятда 6 та академик лицей ва 85 та касб-ҳунар коллежида 96 минг нафардан зиёд йигит-қиз замонавий касб-ҳунар эгалламоқда. Ҳар йилгидек бу йил ҳам уларнинг 30 минг нафардан зиёди ўрта махсус маълумотга эга бўлди. Вилоятда коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш, тадбиркорликка жалб этиш борасида, айниқса, Қўшкўпир туманида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор.

> [3]

ТАҚҚОС ВА ТАЖРИБА

## ФАОЛИЯТДА ЎРНАК ВА ИБРАТ КЎРСАТИБ

**Муқимий номидаги ҳамда «Маданият» маҳаллалари Гулистон шаҳридаги намунали йиғинлардан. Ҳар иккала ҳудуд аҳли тинч-тотув, аҳил-иноқ яшашади. Энг муҳими, фуқаролар йиғинлари мутасаддилари аҳоли хизматига шай.**

Ҳар икки маҳалла раиси — Назарқул Очилов ҳамда Толиб Салимов йиғин қошидаги Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссияга раҳбарлик қилади. Йиғинларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари — Норгул Хидирова ва Ойниса Дадабоева кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашда раисларга яқин кўмакдош.

— Маҳаллаларимиз ёнма-ён жойлашгани боис оилаларни ўрганиш, хонадонларга ташриф буюриш каби юмушларни ҳамкорликда бажарамиз, — дейди «Маданият» маҳалласи раиси Назарқул Очилов. — Масалан, яқинда маҳалламизда яшовчи Санобар исмли аёл турмуш ўртоғи хорижга ишлагани кетганини айтиб, моддий ёрдам сўраб маҳаллага мурожаат қилди. Бу оилани ўрганишни Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссия аъзоси, йиғинимизнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Норгул Хидировага топширдик.

> [2]



# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ИККИ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз шу йил 1 сентябрь куни Ўзбекистон давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик тўйини катта тантана, шоду хуррамлик билан кенг нишонлайди.

Биз учун энг улуғ, энг азиз айём бўлмиш Мустақиллик байрамини марказда ва жойларда ҳар томонлама чуқур тайёргарлик билан кутиб олиш мамлакатимизда эзгу анъанага айланиб қолган.

Ҳақиқатан ҳам, умуммиллий байрамимиз бўлган бу қутлуғ сана ҳақида сўз борар экан, ўтган давр мобайнида босиб ўтган йўлимизни, амалга оширган ишларимизни холисона сарҳисоб қилиб, бугунги ютуқ ва марраларга аввало қандай оғир ва машаққатли меҳнат эвазига эришганимизни яна ва яна бир бор кўз ўнгимиздан ўтказишимиз табиийдир.

Мустақиллик байрамининг йигирма икки йиллигини юксак савияда, муносиб тарзда нишонлаш мақсадида:

1. Байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика ва ҳудудий комиссиялар Мустақиллик байрамини пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман ва қишлоқларда уюшқоқлик билан, кўтаринки руҳда ўтказишга қаратилган, **«Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!»** деган шиорни асосий ғоя сифатида ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

2. Дастурни тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

мустақиллик — бу аввало ҳуқуқ эканини, фақат мустақиллик орқалигина шахс ўз қадр-қиммати, ор-номуси ва ғурурини англаши, истиқлол юртимизда яшаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омили эканини кенг очиб бериш;

халқимиз ўтган даврда турли синов ва қийинчиликларга қарамасдан, ўзининг мустаҳкам иродаси, қатъият ва матонати, истиқлол ғояларига садоқатини намоён этиб, жаҳон майдонида муносиб ҳурмат-эътибор қозонганини чуқур таҳлиллар орқали кўрсатиш;

Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли — ўзбек моделининг мамлакатимиз учун ҳал қилувчи бир пайтда энг тўғри, энг оқилона йўл сифатида танланганини, ўтган йиллар давомида бу йўл юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, ҳар бир оила, бутун жамиятимиз ҳаётида синовдан ўтиб, амалда ҳар томонлама ўзини оқлагани ва бугунги кунда амалий натижасини бераётганини аҳоли ўртасида ўтказиладиган ташвиқот-тарғибот ишлари, жонли суҳбат ва мулоқотларнинг асосий йўналиши деб қабул қилиш;

мамлакатимизда мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб белгилаб олинган «Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун» деган, одамларимиз қалбидаги эзгу орзу-интилишларни яққол ифода этган олижаноб даъват халқимизни ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида сафарбар этгани, юртдошларимизнинг юрагига чуқур кириб боргани истиқлол йилларида эришган барча ютуқларимизнинг ҳаётбахш манбаи бўлиб келаётганига алоҳида эътибор қаратиш;

мустақилликка эришиш арафасида ва истиқлолнинг дастлабки йилларида, мамлакатимиз кескин ижтимоий муаммолар гирдобида қолиб кетган таҳликали бир пайтда мавжуд вазиятни ижобий томонга ўзгартириш мақсадида амалга оширилган ислоҳотлар моҳиятини теран акс эттириш. Жумладан, ғоят оғир айни ўша шароитда аҳолига қўшимча томорқа ерлари ажратиш ҳақидаги фармон ва қарорлар қабул қилингани, шу асосда Ўзбекистон бўйича 2,5 миллион оилага ҳаммаси бўлиб 700 минг гектар суғориладиган ер томорқа сифатида хусусий мулк қилиб берилгани қишлоқларимизда ижтимоий муаммоларни ечиш, айтиш мумкинки, жар ёқасида турган юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолишда улкан тарихий қадам бўлганини чуқур очиб бериш. Ана шундай ўзгаришлар туфайли одамлар дунёда адолат ва ҳақиқат борлигига, мустақиллик ҳар қайси оила, бутун халқимиз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайдиган бебаҳо неъмат эканига чин дилдан ишонч ҳосил қилгани ва шу каби бошқа мисолларда мустақиллик деган буюк тарихий ҳодисанинг қадр-қимматини ва аҳамияти ҳақида фикр юритиш;

мустақиллигимизнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган энг муҳим стратегик дастурлар, жумладан, Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллиги, ёқилғи-энергетика, транспорт-коммуникация соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш, иқтисодиётимизнинг етакчи соҳаларини модернизация қилиш, илғор техника ва технологиялар билан қуроллантириш, энг замонавий корхоналарни барпо этиш, кичик бизнес ва тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини бугунги талаблар асосида ривожлантириш мақсадида амалга оширилган том маънодаги улкан ишларнинг мазмун-моҳиятини кенг таҳлил қилиш;

истиқлол йилларида бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, дину диёнатимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тиклангани, истиқлол даври Ватанимиз учун чинакам маънавий тикланиш ва юксалиш даври бўлганини ифода этиш;

юртимизда мустақил давлат барпо этиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт даражасига эришиш, Ўзбекистонимизни дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар қаторига кўтаришдек улуғ мақсадларни ўз олдимизга қўйиб, бу марраларнинг нақадар буюк ва масъулиятли эканини ўзимизга чуқур тасаввур қилган ҳолда, ана шундай юксак уфқлар сари дадил бораётганимизнинг энг асосий омил ва мезонларини кенг ёритиш. Бунда, аввало, ўз қадр-қимматини чуқур англаган, мустақил ва эркин фикрлайдиган, бетакрор миллий қадриятларимиз, бебаҳо маданий меросимизнинг муносиб ворислари бўлиш билан бирга, дунё илму фани ютуқларини пухта ўзлаштириб, замон билан ҳамоҳанг бўлиб яшашга, манаман деган давлатлардаги тенгдошлари билан бемалол беллашувга тайёр бўлган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласи истиқлол йилларида Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилганини акс эттириш. Қандай оғир бўлмасин, ана шу буюк мақсадни амалга ошириш учун барча куч-қудратимиз ва имкониятларимизни сафарбар этганимиз, шу йўлда аҳамиятини баҳолашнинг ўзи қийин бўлган ишларимизнинг амалий натижаларини кўрсатиш. Бугунги кунда бу ютуқлар ҳаётимизда, мамлакатимиз тараққиётида, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган барқарор ўсиш суръатларида яққол намоён бўлаётгани, камол топаётган фарзандларимиз ҳаётимизнинг асосий, ҳал қилувчи кучи сифатида майдонга чиқаётганини таъсирчан мисолларда ифода этиш.

(Давоми 2-бетда.)

# МУШТАРАК ОЛИЖАНОБ МАҚСАДЛАР — МУСТАҲКАМ ДЎСТЛИК АСОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мамлакатларимиз маданият ва санъат соҳасида фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мисол учун, ўзбекистонлик халқ усталари Олмаота шаҳрида ўтказиладиган Марказий Осиё ҳунармандлари кўргазма-ярмаркасида мунтазам иштирок этиб келмоқда. Остона, Олмаота ва бошқа шаҳарлардаги бадиий галереялар ва музейларда машҳур ўзбек рассомларининг кўргазмалари намойиш қилинмоқда. Ўзбекистон мусиқа ва театр жамоаларининг Қозоғистонга гастроллари ташкил этилмоқда. Ўзбекистон кинематографчилари ўз фильмлари билан Қозоғистонда ўтказилаётган кинофестивалларда иштирок этмоқда.

Қозоғистонлик санъаткорлар Самарқандда ўтадиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг ҳамда мамлакатимизда ташкил қилинадиган бошқа кўплаб йирик маданий тадбирларнинг доимий ва фаол қатнашчиларидир.

Ўзбекистонда юздан ортиқ қозоқ миллий-фольклор ва эстрада ансамбллари фаолият кўрсатаётир. Жумладан, Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида «Дўмбира» қозоқ ансамбли, Бўстонлиқ туманида «Дорин» ансамбли мавжуд. Тошкент вилоятида фольклор-ашула, Хоразм вилоятида ашула ва рақс ансамбллари ташкил этилган.

Музокараларда маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни янада ривожлантириш муҳим аҳамиятта эга эканлиги таъкидланди. Томонлар мусиқали ва драма театрлари, бадиий ва ижодий жамоалар ҳамда яккахон ижрочиларнинг ўзаро гастролларини, спорт ва жисмоний тарбия соҳасида тажриба ва мутахассислар алмашишни, миллий спорт турларини ривожлантириш, икки давлат ташкил қиладиган халқаро турнирларда спортчиларнинг иштирок этишини таъминлаш ишларини, маданият, фан ва санъат соҳасидаги таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва талабалари алмашинувини фаол давом эттиришга келишиб олдилар.

Музокаралар якунлари бўйича Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Шунингдек, икки мамлакат ички ишлар вазирликлари ва божхона хизматлари ҳамкорлигига доир ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан Қозоғистон Республикаси Маданият ва ахборот вазирлиги ўртасида маданият соҳасида 2013-2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури қабул қилинди.

Стратегик шериклик тўғрисидаги шартномада сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, сув-энергетика, экология, маданий-гуманитар, ҳарбий-сиёсий ва бошқа соҳалардаги ўзаро ҳамкорликнинг асосий принциплари ва устувор йўналишлари мустаҳкамланган. Шунингдек, Марказий Осиёда сувдан адолатли фойдаланиш тизимини ривожлантириш борасидаги ўзаро келишилган ягона позиция тасдиқланган.

Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда мазкур ташриф ўзбек ва қозоқ халқларининг кўп асрлик тарихий, маданий ва маънавий яқинлигини, мамлакатларимизнинг юксак даражадаги ўзаро ишончи ва ҳурмат-эҳтиромини яна бир бор тасдиқлаганини ҳамда икки давлат ўртасидаги муносабатларни стратегик шериклик даражасига олиб чиққанини таъкидладилар.

Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонасининг янги биноси ва қозоқ адабиётининг буюк намояндаси Абай Қўнонбоев ҳайкалининг очилиши Нурсултон Назарбоевнинг Ўзбекистонга ташрифининг ёрқин воқеаси бўлди.

Маросимда икки давлат раҳбарлари бир неча йил аввал Тошкент шаҳрининг тарихий марказида, қозоқ адабиёти асосчиси номи билан аталувчи кўчада Қозоғистон элчихонасининг янги биносини барпо этиш бўйича келишувга эришилганини таъкидладилар. Президентларнинг ушбу ғояси ҳаётда ўз амалий ифодасини топгани мазкур масканга янги қиёфа бахш этиб, пойтахтимиз ҳуснига-ҳусн қўшди. Тошкент шаҳри яна бир ноёб меъморий иншоот билан бойиди.

Абай Қўнонбоев ҳайкали ўзбек ва қозоқ халқлари муштарак қадриятларининг яна бир ёрқин тимсолига айланди. Ўзбекистонда ўз даврида ҳаётда инсоннинг муқаддас бурчларидан бири — бу чин дўст орттиришдир, деб ёзган мутафаккирнинг буюк мероси кириб бормаган хонадонни топиш мушкул.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ҳамкорлигининг ривожланиш суръатларини кузатар эканмиз, мамлакатларимиз ўртасида қарор топган самимий дўстлик муносабатлари мисолида буюк Абайнинг мазкур даъвати ижобатининг ифодасини яққол кўришимиз мумкин.

Ҳамиша эзгу ва олижаноб мақсадлар сари интилиб яшайдиган халқларни Яратганнинг ўзи қўллаб, орзу ва умидлари ижобат бўлишида мададкор бўлади. Бунга азим пойтахтимизда ўзбек ва қозоқ халқлари азалий дўстлигининг гўзал тимсоли сифатида қад ростлаган Қозоғистон элчихонасининг янги биноси ва Абай ҳайкали очилишига бағишланган маросим чоғида қут-барака ва фаровонлик рамзи — ёмғир ёққани ҳам бир ишорадир.

Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Тошкент шаҳрида бунёд этилган «Маърифат маркази»га ташриф буюрдилар. Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жой олган ушбу замонавий муҳташам бино йирик халқаро анжуманлар, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш, аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш борасида жаҳон андозаларига тўла мос келади. Бу муаззам бино атрофидаги ландшафт дизайни унга алоҳида кўрк бахш этиб турибди. Қозоғистон Президенти мажмуанинг миллий меъморлик анъаналари ва замонавий архитектура усулларини ўзида мужассам этган меъморий ечими ва дизайнига юксак баҳо берди.

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг мамлакатимизга расмий ташрифи ана шундай кўтаринки руҳда ниҳоясига етди. Ушбу ташриф самимий дўстлик ва узоқ муддатга мўлжалланган ўзаро манфаатли муносабатлар ривожидаги муҳим тарихий воқеа бўлди. Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги давлатлараро мулоқот ҳар доим фаол бўлган ва мунтазамлик касб этган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади.

**Анвар БОБОЕВ,**
**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

МАҲАЛЛА — КЎПМИЛЛАТЛИ АҲИЛ ОИЛА

# БИР ЗАМОН ВА БИР ЗАМИН ФАРЗАНДЛАРИ

**Бугунги кунда юртимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари тинч-тотув, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида бир оила фарзандларидек ҳамжиҳатликда яшамоқда.**

Қибрай туманидаги Оқ-қовоқ қишлоқ фуқаролар йиғинини кўп миллатли аҳил оилага менгзаш мумкин. Гап шундаки, бешта маҳалладан ташкил топган йиғинда қозоқ, қирғиз, тожик, рус, татар ва бошқа миллат вакилларидан иборат 13 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

Ҳудудда ҳар бир миллатнинг эзгу анъана ва қадриятлари, урф-одатлари дўстона муносабатлар билан уйғунлашган. Шу боис бу гўшада истиқомат қилаётган инсонлар маҳаллада ўтадиган ҳар қандай тадбир ёки тўю байрамларда доимо биргадирлар.

Дарвоқе, мамлакатимизда турли миллат вакилларининг миллий қадриятларини, тарихий анъаналарини, тили, маданияти, санъати, миллий урф-одатларини қадрлаш, миллатлараро тотувликни таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, бағрикенглик, миллий ва умуминсоний қадриятлар, одоб-ахлоқ, меҳр-оқибат каби тушунчаларнинг шаклланишида маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар таҳсинга сазовор.

— Аҳоли билан бир оила вакилларидай бўлиб қолганмиз, — дейди Оқ-қовоқ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Мукамбар Маҳаматкаримова. — Бу, айниқса, байрамларда, ободонлаштириш ва умумхалқ ҳашарларида яққол намоён бўлмоқда. Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан маҳалламизда ҳам байрам тадбири кўтаринки руҳда ўтказилди. Уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олинди. Ҳудудимиздаги таълим муассасаларида нуронийлар иштирокида давра суҳбатлари уюштирилиб, ўғил-қизларимизга тинчликнинг нақадар буюк неъмат экани мисоллар билан гапириб берилди.

Юртимизда миллатлараро тотувлик, бағрикенглик, дўстлик ришталари мустаҳкам. Кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик туфайли республикамизда турли миллатларнинг маданият марказлари тузилди. Бугунги кунда қардошлик, дўстлик, аҳиллик туйғуларини ёш авлод онгига сингдиришда мазкур марказлар фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда. Қувонарлиси, ана шундай гўшаларда ўзга миллат вакилларининг урф-одатлари, тили, маданияти, санъати сайқал топмоқда.

— Мен шу юртда туғилдим, ярим асрдан бери халқимиз билан ўзаро ҳамжиҳатликда, тинч-тотувликда Ватанимиз ободлиги йўлида меҳнат қилиб келяпман, — дейди мазкур маҳалладаги 24-умумтаълим мактаби директори Манзура Нурмаханова. — Миллатим қозоқ бўлса-да, Ўзбекистон мен учун ғоят ардоқли. Икки миллатнинг урф-одатлари, миллий анъана ва қадриятлари бир-бири билан узвий боғлиқ. Шу боис мактабимизда ўзбек, қозоқ ўғил-қизларига таълим-тарбия бериш осон. Чунки фарзандларимиз бир-бирларининг тилидан, урф-одатларидан яхши хабардор.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда яшаётган турли миллат вакиллари ўртасидаги чинакам бирдамлик, ҳамжиҳатлик, ўзаро маданият, санъат, урф-одат ва қадриятларнинг ривож топиб боришида маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

**Хайрулло ХОЛТЎРАЕВ.**



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

ТАҚҚОС ВА ТАЖРИБА

# ФАОЛИЯТДА ЎРНАК ВА ИБРАТ КЎРСАТИБ



< [1]

Н.Хидированинг айтишича, Санобар опа доимо рўзғор ташвиши билан банд. Фарзандларини ҳеч кимдан кам қилмай ўстириш ҳаракатида. Шу боис қўшни маҳалла маслаҳатчиси Ойниса билан бирга опанинг хонадонига ташриф буюриб, оиланинг моддий аҳволи оғир эканини вақтида аниқлашди. Тезда ҳужжатларни расмийлаштириб, моддий ёрдам бериш учун комиссияга тақдимнома киритди.

— Сўнгги уч йил давомида маҳалламизда аҳолининг кам таминланган қатламига нафақа тайинлаш ва тўлаш бўйича амалга оширган ишларимиз назорат органлари томонидан тафтиш қилинди, — дейди Муқимий номидаги маҳалла раиси Толиб Салимов. — Тафтиш натижаларига кўра, қўшни маҳалла фаоллари билан бамаслаҳат иш юритганимиз, уларнинг тажрибасидан фойдаланганимиз туфайли нафақаларни ноқонуний тайинлаш ва тўлаш ҳолатлари кузатилмади.

Йиғин ҳузуридаги Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссия аъзолари эҳтиёжманд оилаларга моддий ёрдам тайинлашаётганида, биринчи навбатда, адолат мезонларига қатъий риоя қилиб, аввало, уларни иш билан таъминлашга интилади. Бунда икки ёндош маҳалла қошидаги ушбу комиссия аъзолари мунтазам равишда ҳамкорлик қилиб келаётгани яхши самара бермоқда.

— Маҳалламизда 589 та оила яшайди, — дейди «Маданият» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ойниса Дадабоева. — Шулардан 30 таси кам таъминланган оила. Олдинги йилларда бу кўрсаткич 50-60 тани ташкил этарди. Ҳудудимизда ишлаб чиқариш корхоналарининг кўпаяётгани туфайли аҳоли бандлиги таъминланиб, эҳтиёжманд оилалар сони сезиларли даражада камаймоқда.

Йиғин қошидаги комиссияларнинг мустаҳкам ҳамкорлиги самараси ўлароқ, маҳаллаларда кўплаб янги иш ўринлари яратилмоқда. Фуқаролар йиғинлари томонидан ўз бизнесини йўлга қўйишлари учун кишиларга банклардан имтиёзли кредит олишга кўмаклашилмоқда. Ёш йигит-қизлар касб-ҳунар ўрганишлари учун тадбиркорлик субъектларига бириктирилмоқда.

Кам таъминлаган оилаларни қўллаб-қувватлашда ҳомийлар ҳам жалб этилаётир. Биргина жорий йилнинг шу даврига қадар «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида 5 та эҳтиёжманд оилага 50 та парранда, 2 тасига эса бир бошдан қорамол олиб берилди. Шу билан бирга, уйда ўтирган хотин-қизларни ишга жойлаштиришда маҳалла фаоллари ҳамда «Нафис либос» корхонаси мутасаддилари ҳамкорлигида касаначиликни йўлга қўйишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маҳалла ҳудудида «Нафис либос» корхонаси ишга туширилгандан бери 800 та иш ўрни ташкил этилди. Жорий йилда корхонага маҳалланинг 10 нафар хотин-қизи касаначилик асосида ишга жалб қилинди. Ҳозирги кунда уларнинг сони 23 нафарга етди. Маҳаллада ёшларнинг миллий ҳунармандчилик сир-асрорларини ўрганишларига катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 10 нафар йигит-қиз бешик, сандиқ, эшик, дераза-ромлар ясашни ўрганди.

Мухтасар айтганда, Гулистон шаҳрида маҳаллалар миқёсида ўтадиган семинар, давра суҳбати ва учрашувларда «Маданият» ва Муқимий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинининг бой тажрибалари оммалаштирилиб, бошқа ҳудудларга ўрнак қилиб кўрсатилмоқда. Мақсад таққос ва тажриба асосида ҳамкорликни йўлга қўйиб, аҳолига сифатли хизмат кўрсатишдан иборат.

**Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ**
**«Mahalla»**

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг

# ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ИККИ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Юқорида зикр этилган фикрларни бундан ўн олти йил аввал қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг узвий давоми бўлган Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ва бошқа муҳим ижтимоий дастурлар таҳлили орқали мамлакатимиз ва дунё жамоатчилигига етказиш;

давлатимиз томонидан мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб аҳоли, биринчи навбатда ёшларимизнинг жисмонан бақувват, маънавий жиҳатдан етук авлод бўлиб улғайишига берилаётган юксак эътиборнинг яққол тасдиғи сифатида мамлакатимизда давлат бюджети харажатлар қисмининг 60 фоизга яқини таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳалари ривожига йўналтирилаётгани дунё тажрибасида камдан-кам учрашини, Ўзбекистон айни шу соҳаларда жаҳонда етакчи ўринларни эгаллаб бораётгани нуфузли халқаро эксперт ва таҳлил марказлари томонидан эътироф этилаётганига алоҳида аҳамият қаратиш;

истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоиздан зиёдини ташкил этадиган хотин-қизларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, аёл зотини эъзозлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилишга қаратилган қарор ва дастурларнинг амалий натижаларини кўрсатиб бериш. Шулар қаторида оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, айниқса, қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаб, ҳаётда муносиб ўрин олиши учун амалга оширилган кенг кўламли ишларимизнинг моҳияти ва аҳамияти, бу борадаги сиёсатнинг бугунги кунда изчил давом эттирилаётганини тарғибот-ташвиқот ишларининг бош мавзуси сифатида белгилаш;

мамлакатимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан-йилга очилиб, тобора обод ва гўзал бўлиб бораётгани, жумладан, аҳолимизнинг асосий қисми яшайдиган қишлоқ жойларда муносиб турмуш шароитини яратиш, ижтимоий инфратузилма тармоқларини барпо этиш бўйича махсус давлат дастурлари жорий этилаётгани, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида шаҳар шароитидан кам бўлмаган замонавий уй-жой массивлари комплекс барпо этилаётганини халқимиз ҳаётини янада фаровон қилишга қаратилган ишларнинг амалий намоёни сифатида қабул қилиш;

эришган барча ютуқларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши, ишга, ҳаётга муносабати бутунлай ўзгариб, дахлдорлик туйғуси, ўз кучи ва имкониятларига бўлган ишончи мустаҳкамланиб бораётгани, мухтасар айтганда, мустақил тараққиёт йўлида қандай юксак марраларга эришган бўлсак, уларнинг барчасининг негизида авваламбор одамларимизнинг ўсиб бораётган сиёсий, ҳуқуқий, маданий савияси ва ижтимоий фаоллиги мужассам эканини акс эттириш;

ҳозирги кунда бизнинг қандай шиддатли ва нотинч замонда яшаётганимизни инобатга олган ҳолда, тинч ва осойишта ҳаёт учун курашиш, керак бўлса, фидойилик кўрсатиб, доимо огоҳ, сезгир ва маънавий уйғоқ бўлиб яшаш, энг катта бойлигимиз бўлмиш юртимиздаги миллатлар ва фуқаролараро аҳиллик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини кўз қорачиғидек асраш ва мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган ишларнинг маъно-мазмунини очиб бериш;

айни мана шундай ўта мураккаб ва таҳликали бир шароитда дунёнинг турли минтақалари, яқин ва узоқ ҳудудларида, ён-атрофимизда қарама-қаршилик ўчоқлари кучайиб, бир сўз билан айтганда, хавф-хатар тобора ўсиб бораётган бир вазиятда Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган ташқи сиёсатини, унинг мамлакатимизнинг миллий манфаатларига жавоб берадиган стратегик устувор йўналишларини аниқ белгилаб олиш бугунги кунда энг долзарб масалалардан бири бўлиши табиийдир. Шу мақсадда 2012 йил сентябрь ойида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонунда белгилаб берилган асосий принциплар, яъни:

Ўзбекистоннинг турли ҳарбий сиёсий блоклардан узоқ бўлиши ҳақида;

ўзининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга бўлиши ва ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига йўл қўймаслиги ҳақида;

очиқ, изчил ва фаол ташқи сиёсат олиб бориши ҳақида аниқ-равшан баён этганини кенг оммага етказиш;

Ўзбекистон Қуролли Кучларининг мамлакатимиз мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, тинч ва осуда ҳаётимизни ҳимоя қилишнинг мустаҳкам таянчи бўлиб келаётганини, ҳарбий хизматнинг ёшларимиз учун ҳақиқий мардлик, чиниқиш ва тобланиш мактабига айлангани, халқ ва армия – бир тану бир жон эканини ҳаётий мисолларда кенг тарғиб этиш.

3. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида жонли мулоқот ва суҳбатлар, учрашувлар, адабий-бадиий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, адиблар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан биргаликда:

Мустақиллик байрамининг йигирма икки йиллигини муносиб нишонлаш учун жойларда ҳудудий комиссиялар тузиш, республика дастурида белгилаб берилган асосий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш;

байрам муносабати билан халқимизга хос бўлган урф-одат ва анъаналарга муносиб равишда шаҳар ва қишлоқлар, маҳалла ва гузарлар, кўп қаватли уйлар атрофида ободонлаштириш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилсин.

Мазкур режа ва дастурлардан ўрин олган тадбирларни расмиятчилик ва баландпарвозлик ҳолатларига йўл қўймасдан, кенг жамоатчилик вакилларини жалб этган ҳолда, одамларнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг кайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган халқчил ва таъсирчан руҳда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

5. Республика комиссияси ўз йиғилишларида дастурда белгиланган чора-тадбирлар марказда ва жойларда қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарлари ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

7. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари билан биргаликда юртимиз истиқлолини тараннум этишга қаратилган энг яхши қўшиқлар, мусиқа асарлари учун «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика танловининг якуний босқичини ўтказсин. Танлов ғолиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин.

8. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан биргаликда август ойининг охирида мамлакатимиз мустақиллигига бағишланган «Энг улуғ, энг азиз» анъанавий танловининг якуний босқичини ўтказсин.

9. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва Бастакорлар уюшмаси билан биргаликда ёш ижрочилар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ниҳол» мукофотига номзодларнинг республика саралаш босқичини ҳамда ғолиблар ижросидаги концерт дастурини август ойининг биринчи ярмида юқори даражада ташкил этсин.

10. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

11. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти — И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2013 йил 12 июнь.

КОЛЛЕЖ — КОРХОНА ҲАМКОРЛИГИ

# ЮРТ ИСТИҚБОЛИ ЁШ АВЛОД ИҚБОЛИДА




< [1]

— Коллеж, маҳалла, корхона ҳамкорлиги ва шу асосда тузилаётган уч томонлама шартнома ижросини тўла таъминлаш фаолиятимизда яхши самара бермоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Қўшкўпир тумани бўлинмаси раиси О.Ражабов. — Бугунги кунда туманимизда битта шаҳарча, 13 қишлоқ ва 56 маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Маҳаллага эътибор давлат даражасидаги устувор вазифага айлангани боис аҳоли бандлигини таъминлаш, хусусан, битирувчиларни ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш ўзини ўзини бошқариш органларининг доимий вазифасига айланди. Юрт истиқболи ёш авлоднинг пухта билимига ҳамда касб-ҳунар малакаларини мукаммал эгаллашига боғлиқ. Бунинг учун туманимизда ёшларга етарлича шарт-шароитлар яратиб берилган.

Зеро, ёшлар баркамоллиги таълим, маҳалла, корхона ҳамкорлигида ўз ифодасини топмоқда. Бугунги кунда Қўшкўпир туманида 52 та умумий ўрта таълим мактаби, 2 та ихтисослаштирилган мактаб-интернати, 26 та мактабгача таълим муассасаси ва 4 та мактабдан ташқари таълим муассасаси мавжуд. 9-синфни тамомлаган ёшларни таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиш мақсадида 7 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда. Касб-ҳунар коллежлари билан келишилган ҳолда очиқ эшиклар куни ўтказиш анъанага айланган. Битирувчиларни аниқ иш ўринларига эга бўлишини тизимли ташкил этиш мақсадида туман ҳокимлигида уларни ишга жойлаштириш жараёнини мувофиқлаштириш ва мониторингини олиб бориш учун тегишли бошқарма, идораларнинг мутахассислари, маҳалла тузилмалари фаолларидан иборат ишчи гуруҳлари тузилган. Ҳар ҳафтанинг чоршанба куни «Касб-ҳунар коллежлари куни» этиб белгиланган. Мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида «Меҳнат ярмаркалари», «Мутахассислик — сенинг келажагинг» мавзусида кўргазмалар ташкил қилинмоқда. Жараёнда коллежларни тамомлаган 6613 нафар ёш билан бир қаторда 54 та умумтаълим мактабининг битирувчилари ҳам фаол иштирок этишди. Шу аснода битирувчиларнинг иш жойи аниқ бўлди.

Таъкидлаш жоизки, коллеж битирувчиларини уч томонлама тузилган шартнома асосида ишга жойлаштиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2013-2015 йилларда Хоразм вилояти саноати салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур қарор асосида бу йил туманда 7 та йўналиш бўйича 5 млн. 47 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб қилиниб, 31 та лойиҳа амалга оширилади. Бу эса янги иш ўринлари яратиш имконини туғдириши табиий. Қарорда белгиланган лойиҳалар асосида замонавий типдаги корхоналар барпо этилиб, уларда тўқимачилик, тикувчилик, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишаб чиқариш йўлга қўйилади. Жумладан, «Сино» масъулияти чекланган жамиятида болалар ўйинчоқлари, «Бизнес аъло», «Норбек», «Қўшкўпир элита чорва» корхоналарида эса полиэтилен, нон ҳамда гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Янгиобод қишлоғида велосипед тайёрлайдиган корхона ишга тушиш арафасида. Тумандаги қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёт, қурилиш ва транспорт, агросаноат, политехника ҳамда тадбиркорлик йўналишидаги еттита коллеж битирувчилари 307 та корхона, 7 завод, 26 муассаса, 4987 та фермер хўжаликларида иш билан таъминланадилар.

— Мен Ғозовот маиший хизмат касб-ҳунар коллежини тугатдим, — дейди Муҳаббат Машарипова. — Тикувчилик касбини пухта эгаллашда устозларимнинг сабоқлари катта бўлди. Қишлоғимизда тадбиркор аёл Ражаббиби Машарипова ташаббуси билан очилган маиший хизмат кўрсатиш корхонасида чеварлик қиляпман. Етти нафар курсдош дугона бирга фаолият бошладик. Ишга жойлашишимизда қишлоқ фуқаролар йиғини яқиндан ёрдам берганидан миннатдормиз.

Хосиён қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Саидназар Раҳимовнинг айтишича, ёшларни уч томонлама шартнома асосида ишга жойлаштириш масалалари ижобий ҳал этилмоқда. Бундан уларнинг ўзлари ҳам, ота-оналари ҳам шод. Битирувчиларни иш билан таъминлаш билан бирга уларни тадбиркорликка йўналтиришда йиғин мутасаддилари фаоллик кўрсатмоқдалар. Шу мақсадда тижорат банклари томонидан имтиёзли кредит олишларига кўмаклашилган 17 нафар битирувчи паррандачиликни йўлга қўйди. 28 нафари тикувчилик, 20 нафари чорвачилик, шунингдек, кўплаб ёшларимиз ҳунармандчилик, сервис хизмати шохобчаларида ишламоқда. Йиғин ҳудудида тадбиркорлик субъектлари фаолияти йўлга қўйилгани бандлик муаммосини бартараф этишнинг муҳим омили бўляпти.

Абдулла САФОЕВ
«Mahalla»

ҚАРОР ВА ИЖРО

# КРЕДИТЛАР ТАДБИРКОРЛАРГА ҲАР ЖИҲАТДАН ҚЎЛ КЕЛМОҚДА



**Аҳоли турмуш фаровонлигининг яхшиланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни беқиёс. Соҳанинг тараққий этиши кишилар даромадларининг ошиши билан бирга жойларда янги иш ўринлари яратилишига ҳам замин ҳозирлайди. Бу борада банклар томонидан амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ.**

Президентимизнинг 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётир. Хусусан, «Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банки томонидан кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида муайян ишлар бажарилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 1 майигача банкнинг Самарқанд вилоятидаги филиаллари томонидан кичик-бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 16,8 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Бунинг натижасида 1092 та янги иш ўрни яратилди.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан ўтган давр мобайнида банк томонидан 4,5 млрд. сўмлик кредит маблағлари тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилди. Ана шу амалиётлар боис, аҳолининг истеъмол товарларига бўлган талаби қондирилиши баробарида бир қанча кишининг бандлигини таъминлашга эришилди. Хусусан, банкнинг ҳудудий филиали мижози — «Сиёвуш Самарқанд» масъулияти чекланган жамиятига ўсимлик мойи ишлаб чиқариш учун 300 млн. сўмлик кредит ажратилди. Натижада 18 нафар фуқаро ишли бўлди. Халқ фаровонлигида муҳим аҳамиятга эга тармоқларни ривожлантириш мақсадида банк кредитлари ажратиш давом эттириляпти.

Президентимизнинг 2009 йил 28 январда қабул қилинган «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида ҳам изчил ишлар амалга оширилаётир. Жорий йилнинг шу давригача 2,4 млрд. сўмлик кредит маблағлари мазкур йўналишда тадбиркорликни ривожлантиришга ажратилди. Банкнинг ҳудудий филиали мижози «Stirol polimer plast» хусусий корхонаси ана шундай кредитдан фойдаланган ҳолда 230 млн. сўм эвазига полиэтилен плёнкалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Натижада 11 киши доимий иш билан таъминланди.

Ёшларни касбга йўналтириш, уларни тадбиркорликка жалб этиш ҳам банк фаолиятининг асосий йўналишларидан. Касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларига 885 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Президентимизнинг 2009 йил 28 июлдаги «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида банк филиаллари томонидан 13 млрд. 551 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Ҳудудда бир қанча йирик саноат корхоналари ўз фаолиятини бошлаши натижасида 950 нафар киши доимий ишга йўналтирилди. Жумладан, банкнинг Жума филиали мижози «Азимжон» масъулияти чекланган жамиятига «Хусусий секторни ривожлантириш Ислом корпорацияси» маблағлари ҳисобидан Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган газ-компрессор станциясининг технологик ускуналарини сотиб олиш учун 380 минг АҚШ доллари миқдорида кредит берилди. Ҳозир бу ерда 20 киши ишли бўлганидан мамнун.

Президентимизнинг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида банк томонидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Уларнинг бизнес фаолиятини йўлга қўйишга кўмаклашиш бўйича 2013 йилнинг 4 ойи давомида 1,8 млрд. сўмдан зиёд кредитлар ажратилди. Ушбу маблағ ёрдамида 205 та янги иш ўрни яратилди. Мисол учун «Аслиддин Асилшер» хусусий корхонасига тикув машиналари ва альюмин ромлари ишлаб чиқариш учун 120 млн. сўмлик кредит ажратилди. Корхона фаолияти кенгайиб, 14 кишининг бандлиги таъминланди.

Оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни кенгайтириш, уни ривожлантириш ҳам банк эътиборидан четда қолгани йўқ. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида соҳа ривожи учун 325 млн. сўм миқдорида микрокредитлар ажратилиб, 83 та янги иш ўрни яратилди.

Дастурхонимиз тўкинлиги, бозорларимизнинг сифатли маҳсулотлар билан тўлиб-тошишида тадбиркорларимизнинг ҳиссаси катта. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш субъектларининг ортиб бориши эса соғлом рақобатга йўл очади. Шу туфайли юртимизда сифатли ва арзон маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортмоқда. Бу борада банк муассасалари, хусусан, «Агробанк» томонидан ажратилаётган кредитлар тадбиркорларга ҳар жиҳатдан қўл келмоқда.

Баҳодир ҲАЛИМОВ
«Mahalla»

ПАРРАНДАЧИЛИК

## Мўл даромад манбаи

**☑ Қўрғонтепа туманидаги Савой-2 массивида фаолият юритаётган «Олмосбек чорвадор» фермер хўжалиги йил бошидан бери истеъмолчиларга уч юз минг донага яқин арзон нархдаги тухум етказиб берди.**

— Ўтган йили ноябрь ойида Пахтаободдан келтирилган уч ярим мингдан кўпроқ зотли жўжалар тухумга кирди, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Мадаминжон Раимқулов. — Қиш фаслида товуқларни яхшилаб парваришладик. Ферма билан ёнма-ён каттагина айвон ҳам бор, уни ҳам капитал таъмирлаб, яна олти ярим минг дона жўжа олиб келмоқчимиз.

Мухбиримиз.

САНОАТ

## Йўлсозларга 850 минг тонна

**☑ Бухоро вилоятидаги «Трансйўлқурилиш» давлат унитар корхонаси негизида янгидан фаолият бошлаган Қоровулбозор ҳудудий мобиль корхонаси йўлларимиз равонлигини таъминлаш учун қайноқ асфальт бетон етказиб бера бошлади.**

9 миллиард сўм маблағ эвазига замонавий технологиялар билан жиҳозланган кўчма завод соатига 150 тонна асфальт бетон ишлаб чиқариш қувватига эга. Айни пайтда бу ерда 80 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Корхонада иш икки навбатда ташкил этилгач, яна 20 та янги иш ўрни юзага келади. Муҳими, ишчиларнинг барчаси вилоятдаги касб-ҳунар коллежларида таҳсил олган ёшлардир.

Ўз ишининг устаси Ислом Ҳалимов раҳбарлигида корхона қисқа вақт мобайнида вилоятдаги йўлсозларга 850 минг тоннадан зиёд қайноқ асфальт бетон етказиб берди.

Акбар РУСТАМОВ
«Mahalla»

МАҲАЛЛАДАН ХОРИЖГА

## Инвестиция имкониятлари

**☑ Сирдарё вилоятида хорижий сармояларни жалб этиш эвазига бугунги кунда 41 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.**

Биргина ўтган йилнинг ўзида вилоятга 22,9 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя киритилди. Бундай саъй-ҳаракатлар бу йил ҳам жадал давом эттирилмоқда.

Ўтган йили вилоятдаги қўшма корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган 12,7 миллион АҚШ доллари қийматидаги маҳсулотлар хорижга сотилди.

Вилоятга хорижий инвесторларни жалб этишга жиддий аҳамият берилмоқда. Жорий йилда қиймати 25,7 миллион АҚШ долларига тенг 17 та лойиҳани амалга ошириш назарда тутилаётир.

Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ
«Mahalla»

ТИББИЙ КЎРИК

## Меҳр ва эътибор намунаси



**☑ Навоий вилоятида «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остида аҳолини кенг қамровли тиббий кўрикдан ўтказиш тадбири ташкил этилди.**

Кўрик жараёнида республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, илмий текшириш институтлари ва тиббиёт олий таълим муассасаларининг етакчи олимлари ҳамда юқори малакали шифокорлари иштирок этишди. Бундан кўзланган асосий мақсад аҳолининг барча қатламларини қамраган ҳолда уларнинг саломатлигини назорат қилиш, касаллик аниқланган шахсларни соғломлаштириш, аҳоли касалланиш кўрсаткичларини камайтиришдан иборатдир.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти кардиология ва герантология кафедраси мудири, гуруҳ раҳбари Гавҳар Тўлабоеванинг таъкидлашича, бу тадбир «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш борасидаги муҳим вазифалардан бири. Навоий вилояти туманларидаги аҳоли пунктлари бир-биридан узоқ. Туман марказигача 100-150 километр масофа борлиги боис кўрикка аҳоли иштирокини таъминлашда қийинчиликлар юзага келиши табиий. Аммо шифокорларнинг намунали фаолият юритишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилгани, жумладан, етарли тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлангани иш самарадорлигида бош омил бўлди.

Тадбирнинг дастлабки икки кунида Навоий шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 3- ва 4-оилавий поликлиникаларда шаҳар ва Кармана тумани аҳолиси кўрикдан ўтказилди. Унда 1706 нафар киши қатнашди. Шунингдек, кўрик Навбаҳор ва Конимех, Қизилтепа, Хатирчи, Нурота туманларида давом эттирилди. Жараёнда 4600 нафардан зиёд киши ўз соғлиғидан хабардор бўлди. Касаллиги аниқланган беморларга маслаҳат, тавсия, амалий ёрдамлар берилди. Асосийси, чуқур таҳлиллар натижасида кўплаб касалликларнинг олдини олишга эришилди.

Мухбиримиз.

МАҲАЛЛА ТАДБИРКОРИ

## Хайрли ишнинг кўлами кенг

**☑ Шаҳрисабз туманидаги «Пиллакашлик» маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган «Саидов Бекзод» хусусий корхонаси ўз фаолиятини кенгайтирди.**

Сутни қайта ишлашга ихтисослашган ушбу корхонада юмшоқ ва қаттиқ турдаги сифатли, хуштаъм бўлган пишлоқлар тайёрланмоқда. Айни пайтда бу ерда ишлаб чиқарилаётган 10 турдан ортиқ сут маҳсулотлари кўплаб савдо дўконларига етказиб берилаётир. Корхона бир кеча-кундузда 4 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга илғор технологиялар билан жиҳозланган.

Шу вақтга қадар сут маҳсулотлари аҳоли ҳамда чорвачилик фермаларидан сотиб олинарди. Эндиликда хомашёни корхона қошида ташкил этилган чорвачилик фермаси етиштириб бермоқда. Айни пайтда бу ерда 50 бошга яқин наслдор қорамол парваришланмоқда. Маҳаллада яшовчи кам таъминланган оилалар аъзолари фермага ишга қабул қилинди. Маҳсулотлар таннархи арзонлашди.

Шунингдек, корхона раҳбарияти яна бир хайрли ишга қўл урди. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги сердаромад тармоқ — лимончилик бўйича ҳам истиқболли лойиҳа амалга оширилди. Айни пайтда 6 сотих ерда ташкил этилган иссиқхонада 60 тупдан ортиқ лимон дарахти парваришланмоқда.

Санобар БОЙМУРОДОВА
«Mahalla»


РЕКЛАМА ЎРНИДА

# КИЧИК БИЗНЕС РИВОЖИДА МУҲИМ ОМИЛ

**«Трастбанк» хусусий очиқ акциядорлик биржа банкининг «Термиз» филиалида ташкил этилган семинар «Кредитларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги аҳамияти» мавзусига бағишланди.**

Тадбирда кичик бизнес субъектлари раҳбарлари ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари иштирок этди.

Семинарда банк томонидан амалга оширилаётган қулай хизматлар ва улардан тадбиркорларнинг ўз вақтида хабардор этилиши банк ва мижоз ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга замин яратаётгани, айниқса, маҳаллалар билан ҳамкорлик бу борада яхши самара бераётгани алоҳида таъкидланди.



— Дастлаб озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари улгуржи ҳамда чакана савдоси билан шуғулланардик, — дейди «Surxondaryo savdoimpeks» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Боймурод Тўхлиев. — Жорий йилда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида «Трастбанк»нинг «Термиз» филиалидан 350 миллион сўмлик кредит олиб, 195 минг АҚШ долларига Хитойдан вафли ишлаб чиқариш ускуналарини олиб келдик. Ниятимиз кунига 2 тонна 12 турдаги вафли маҳсулотларини бозорга чиқариш ҳамда иш ўринларини йигирматага етказишдан иборат. Ҳозирча ишлар режадагидек боряпти. Энг муҳими, корхона ташкил этганимиз натижасида даромадимиз салмоғи сезиларли даражада ошди.

Семинарда оилавий тадбиркорлик субъектларига, касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари ва ёш оилаларни молиявий қўллаб-қувватлаш, уларнинг кредит бўйича мурожаатларини кўриб чиқишни ташкил этиш, бу борада маҳаллалар билан ҳамкорликни кучайтириш масалаларига эътибор қаратилди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йил якунларига кўра, «Трастбанк»нинг «Термиз» филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ривожи учун 6 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари йўнатирилди. Жорий йилда бу кўрсаткични икки баробарга ошириш режалаштирилган.

— «Трастбанк»нинг «Термиз» филиалидан олинган кредит эвазига боғдорчиликни ташкил этдик, — дейди «Yangiyer ulgurji savdo» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Бахтигул Алимова. — Бу эса қўшимча даромад топишимизга ҳамда янги иш ўринлари яратишимизга имкон берди. Йил охирига қадар 85 кишининг бандлигини таъминлашни режалаштирганмиз. Мамлакатимизда манзарали ва мевали дарахт кўчатларига эҳтиёж тобора кучайиб бораётганини инобатга олиб, боғимизда кўчат етиштиришни йўлга қўйдик.



«Трастбанк» фақат шулар билан чекланиб қолгани йўқ. Муассаса томонидан амалий санъат ҳамда миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, сайёҳлик хизмати равнақига моддий негиз яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Семинар иштирокчиларига ўз бизнесини қандай йўлга қўйиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, ҳунармандчилик фаолияти билан шуғулланаётган субъектларга яратилган солиқ имтиёзлари хусусида батафсил маълумот берилди. Тадбирда ўз меҳнатининг ижтимоий моҳиятини англаган, иқтидори ва фаоллиги билан ажралиб турган ташаббускор иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Банк Ахборот хизмати.

СИЗДА ҚАНДАЙ ТАЖРИБА БОР?

# АСТОЙДИЛ ҚИЛИНГАН МЕҲНАТ БЕСАМАР КЕТМАЙДИ


Ж.НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

**Ҳаётимни ўзим истиқомат қилиб, фаолият олиб бораётган маҳалласиз сира ҳам тасаввур қилолмайман. Оилаларга ҳар куни кириб, хонадон эгаларининг ҳолидан хабар олиб турганингиздан кейин улар сизга, сиз уларга яқин бўлиб қоларкансиз.**

Улардаги илинж, ишончни сезиб, қувонаман. Кимгадир нафим тегаётганини ҳис этиб, шодланаман.

Фуқаролар йиғинларининг «Энг намунавий диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи»си кўрик-танловининг Қашқадарё вилояти босқичида ғолибликни қўлга киритишимнинг боиси ҳам камтарона ҳаётий тажрибаларим туфайлидир. Чунки танловда кундалик муаммолар ечими бўйича берилган саволларга ўз иш жараёнимдан келиб чиқиб жавоб қайтардим.

Шунингдек, бу йилги кўрик-танлов биз маслаҳатчилар учун катта маҳорат мактаби бўлганини таъкидлаш жоиз. Тажриба алмашиш, кўникма ҳосил қилиш, юқори натижаларни қўлга киритиш иштиёқи ҳар бир иштирокчини ғолибликка ундади. Танловда қатнашган 13 нафар маслаҳатчининг барчаси ғалаба қозониш учун астойдил ҳаракат қилди.

Танловга тайёргарлик кўриш асносида соҳага доир қонунлар ва қарорлардан хабардор бўлиш, тиббий саводхонликни ошириш мақсадида барча меъёрий ҳужжатлар, илмий адабиётларни ўқишга тўғри келди.

Ўтган йили танловнинг туман босқичида иштирок этиб, ҳужжатларим талабга жавоб бермагани сабабли ўрин ололмаган эдим. Астойдил меҳнат қилиб, ҳужжатлар билан ишлашни пухта ўзлаштирдим. Бу нафақат танловда ғолибликни қўлга киритишимга, балки кундалик ишда унумдорликнинг ошишига сабаб бўлди. Зеро, ишда тартиб, аниқ режа бўлса, меҳнат самарали бўлади.

Аёлларни иш билан таъминлаш доимо диққат марказимизда. Йиғинимиз ҳузуридаги Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия аъзолари кўмагида касаначилик ва тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратдик. Комиссия раиси Дилором Жўраева ҳам қўлигул ҳунармандлардан. Қирқ нафарга яқин аёлга тикувчилик, каштачилик сир-асрорларини ўргатди. Унинг маҳорат мактабини тугатганларнинг кўпчилиги бугунги кунда ўз устахоналарига эга.

Оилавий бизнесни ривожлантириш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 10 та кам таъминланган оилага туман бандликка кўмаклашиш маркази вакиллари ёрдамида 2,5 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиб бердик. Бундан ташқари, ҳомийлар ва маҳалла кўмагида кўплаб хонадонларга қорамол ва парранда тарқатилди. Буларнинг бари аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилашда муҳим омил бўлаётир. Ҳозир ҳар бир хонадонда сут, қатиқ, тухум ва гўшт сероб. Рўзғордан орттирган маҳсулотларни сотиб, даромад топаётганлар кўпчиликни ташкил этади. Хонадондаги тўкинлик эса турли оилавий келишмовчиликлар, ўринсиз жанжалларга ҳам чек қўяди. Танловда ана шу жиҳатлар ҳам ҳисобга олинди.

Астойдил қилинган меҳнат бесамар кетмади: бугун юзимиз ёруғ, маҳалламиз туманда энг намунали йиғинлардан бирига айланди. Кўчаларимиз обод, хонадонларимиз тўкин, одамлар бир-бири билан аҳил-иноқ яшамоқда. Танловда ушбу жиҳатлар менга далда бўлди. Хусусан, тадбиркор, ташаббускор аёллар, қўлигул ҳунармандларимиз сафи кун сайин кенгайиб бораётгани менга куч-қувват, ишонч бағишлаб турди.

Хуллас, кўрик-танловда қатнашиб, билим, малакам ва маҳоратимни янада мустаҳкамладим. Биз маслаҳатчиларга давлатимиз томонидан билдирилаётган ишончни оқлашда танловда ўрганганларим келгусида қўл келиши тайин. Зеро, ана шундай нуфузли тадбирлар ҳамкасбларимизни жонажон маҳаллаларимизни янада обод ва кўркам масканга айлантириш, баркамол авлодни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиш ҳамда чин маънода энг намунали маслаҳатчи бўлишга ундайди.

**Соҳиба ПАРДАЕВА,**
**Шаҳрисабз туманидаги «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, кўрик-танловнинг вилоят босқичи ғолиби.**




## Дўл хавф солди

**Чикагога ёпирилган пўртана 25 минг кишининг хонадонини чироқсиз қолдирди.**



Шунингдек, ушбу ҳодиса оқибатида О'Хара халқаро аэропортидаги 400 та авиарейс бекор қилинди.

Теннис тўпи ҳажмидаги дўл ва кучли шамол оқибатида дарахтлар қўпорилди. Натижада электр симлари узилиб кетди.

«ИТАР-ТАСС» ахборот агентлигининг маълумотига кўра, Жоржия, Техас ва Иллинойс штатлари атрофида аҳоли қуюн хавфидан огоҳлантирилган.

## Тошқин давом этмоқда

**«Fitch» рейтинг агентлиги Германияда иккинчи ҳафта давом этаётган сув тошқинидан мамлакатга етган зарар миқдори 12 миллиард еврони ташкил этганини тахмин қилмоқда.**



Эльбадаги тошқин рекорд даражага етди. Мамлакат шимолий ҳудудида яшовчи аҳолидан 200 нафар киши эвакуация қилинди. Бавария, Саксония, Баден-Вюртемберг ва Тюрингия федерал ерлари табиат инжиқлигидан кўпроқ азият кўрди.

Европадаги бошқа давлатларда ҳам сув тошқини давом этмоқда. Прагада Кампа қирғоғи ва Карлов кўприги сув остида қолган. Чехия жанубида эса Ренессанс даври архитектурасига оид Кратохвиле қасрига жиддий зарар етди. Тошқин туфайли Венгрия пойтахтидаги Маргит ҳайвонот боғини эвакуация қилишга тўғри келди.

## Энг кекса одам вафот этди

**Дунёнинг энг кекса одами, инсоният тарихида энг кўп умр кўргани қайд этилган шахс 116 ёшида оламдан ўтган.**



Декабрь ойида Гиннес рекодлар китоби Кимурани тарихда энг узоқ умр кўрган шахс, дея қайд этганди. У 7 фарзанд, 14 невара, 25 эвара ва 13 чеваралик бўлган.

Кимура 1897 йилнинг 19 апрелида таваллуд топган. Нафақага чиққунга қадар почтада ишлаган ва 90 ёшигача ўғлига деҳқончилик ишларида ёрдам берган.

Энди осакалик Мисао Окава исмли 115 ёшли аёл ер юзида ҳаёт бўлган энг кекса инсон, деб топилиши мумкин.

Интернет хабарлари асосида Н.ЮНУСОВА тайёрлади.

СЕМИНАР

## Маҳалла — ҳам отанг, ҳам онанг



**Маҳалла — меҳр-оқибат, миллий қадриятлар бешиги. Кимдир тўй-томоша бошласа ёки қайсидир оиланинг бошига кулфат тушса, албатта, маҳаллага мурожаат қилади.**

Хонадонларда улғаяётган фарзанднинг тарбияси ҳам, аввало, маҳалла муҳитида шаклланади. Шу боис халқимиз: «Маҳалла — ҳам отанг, ҳам онанг», деб бежиз айтмайди.

Паркент туманидаги Сўқоқ қишлоқ фуқаролар йиғини дилтортар ва файзли масканлардан. Қишлоқ аҳолиси кўмагини ҳис этиб тургани боис ҳар бир масалада маҳаллага суянади. Айниқса, йиғинларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари фаолияти муҳим аҳамиятга эга.

Куни кеча қишлоқ таркибидаги Улуғбек номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида маслаҳатчилар семинари ўтказилди. Тадбирда туман ҳокимлиги, ички ишлар бўлими, тиббиёт ва таълим муассасалари ҳамда тегишли ташкилотлардан вакиллар, фуқаролар йиғинлари фаоллари, нуронийлар иштирок этди.

Семинарда Сўқоқ қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари маслаҳатчилари томонидан ҳудудларда амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди. Айниқса, улар томонидан оилалар тинчлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, мактаб ўқувчиларини таълимнинг кейинги босқичига жалб қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлар эътироф этилди.

Тадбирда ҳудуддаги туман агросаноат ва сервис касб-ҳунар коллежи ўқувчилари, маҳалладаги «Маҳорат» тўгараги аъзолари томонидан ҳаётда учраб турадиган воқеалар, уларни бартараф қилишда йиғин фаоллари, жумладан, маслаҳатчиларнинг вазифалари саҳна кўринишлари орқали намойиш этилди. Шунингдек, ёш спортчиларнинг чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

**Р.ҒОФУРОВА,**
**«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Паркент тумани бўлинмаси бош мутахассиси.**

МАҲАЛЛАМИЗ ПАҲЛАВОНЛАРИ

## Курашчилар куч синашди

**Жиззах вилоятининг Арнасой тумани фуқаролар йиғинлари ўртасида «Маҳалламиз паҳлавонлари» анъанавий кураш турнирининг ҳудудий босқичи ўтказилди.**



Туман марказидаги Ғафур Ғулом номли маҳаллада жойлашган 20-сон ўрта умумтаълим мактабининг спорт залида ўтказилган мусобақада ҳуддаги 13 та маҳалладан 78 нафар ёш курашчи иштирок этди.

6 вазн тоифасида ташкил этилган мусобақа қизғин курашларга бой бўлди. «Тошкент» маҳалласидан Муяссар Тўраева, Ғафур Ғулом маҳалласидан Ҳасан Мардонов, Бахтигул Собирова, Мансур Мардонов, Сардор Эсобоев, Олтин водий қишлоқ фуқаролар йиғинидан Дилноза Дувлоновалар ўз вазн тоифаларда биринчиликни эгаллаб, мусобақанинг вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Мусобақа барча маҳалла вакилларининг фаол иштирокида ўтди. Бу галги иштирокчиларнинг тенг ярми — 30 нафарини қизлар ташкил этди. Бу туманда хотин-қизларни спортга жалб этиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг самараси, албатта.

Анъанавий турнир вилоятнинг барча туманларида ўтказилмоқда.

**Бек НАЗАР**
**«Mahalla»**

ТРИАТЛОН

## Ўзбекистон кубоги

**Ўзбекистон мудофаага кўмаклашувчида «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши ташаббуси билан Навоий шаҳрида триатлон спорт тури бўйича Ўзбекистон кубоги бўлиб ўтди.**



«Алишер Навоий» номли маданият-истироҳат боғи ҳудудида ўтказилган баҳсларда вилоятлардан келган жами 60 нафардан ортиқ спортчи югуриш, сузиш ва велопойга баҳсларида ўзаро куч синашди. Икки ёш тоифасида ўғил ва қиз болалар ўртасида ўтказилган учкурашда шахсий биринчиликка кўра, 12 нафар ғолиб номи аниқланди. Умумжамоа ҳисобида эса учта ўрин Самарқанд, Сурхондарё ва қашқадарёлик спортчиларга насиб этди.

Ғолиб ва совриндорлар Марказий Кенгаш томонидан таъсис этилган дипломлар, қимматбаҳо совғалар ҳамда Кенгашнинг вилоят, шаҳар, туман бўлимлари томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Мухбиримиз.**

ТАНЛОВ

## «Оила — муқаддас қўрғон»

**Куни кеча «Мингтепа» маҳалла фуқаролар йиғини ҳузуридаги «Ота-оналар университети» ташаббуси билан «Оила — муқаддас қўрғон» мавзусида танлов ўтказилди.**

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Пискент тумани бўлинмаси томонидан фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги «Ота-оналар университетлари» фаолияти самарадорлигини ошириш, 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш борасида талай ишлар амалга оширилаётгани таъкидлаб ўтилди.

Унда маҳаллада истиқомат қилаётган намунали, ибратли оила вакилалари, қайноналар, келинлар, бекалар ёшларнинг кийиниш маданияти, эрта никоҳ, одам савдоси, ота-оналик масъулияти, оила ҳуқуқи, маънавий-маърифий тарбия ҳақида қисқа савол-жавоблар, оилавий муаммолар ечими бўйича фикр алмашдилар.

Иштирокчилар бу каби тадбирлар оилаларни мустаҳкамлаш ҳамда фарзанд тарбиясига кўмаклашишда муҳим аҳамият касб этишини билдиришди.

**М.ТУРДИҚУЛОВА,**
**«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Пискент тумани бўлинмаси бош мутахассиси.**

ЁЗ – ЎТМОҚДА СОЗ

# ОҒАСАРОЙ ОРОМГОҲИ ХУШМАНЗАРА ВА ХУШҲАВО

**Ёзнинг жазирама иссиқ кунларида кўпчилик соя-салқин, тоғ олди хушҳаво жойларда, сув ҳавзаларида дам олишни истайди. Айниқса, сўлим Фарғона водийсининг шимолида жойлашган Наманган вилоятига бу мавсумда дам олишга келувчилар сони ортади.**

Хусусан, Янгиқўрғоннинг Нанай, Попнинг Чодак, Чустнинг Ғовасой каби хушманзара қишлоқлари шу кунларда юзлаб дам олувчилар билан гавжум. Бундан ташқари, вилоятнинг энг сўлим ҳудудларидаги болаларнинг ёзги оромгоҳлари ҳам дастлабки меҳмонларни қабул қилди.

Чуст туманидаги «Оғасарой» маҳалласи бетакрор табиати, зилол сувлари-ю, мусаффо ҳавоси билан машҳур. Бу ерда жойлашган «Тоғ шалоласи» оромгоҳида ҳар йили юзлаб болалар дам олиш баробарида саломатликларини ҳам тиклайдилар. Айни вақтда 160 ўринли оромгоҳ вилоятнинг турли шаҳар ва туманларидан ташриф буюрган дам олувчиларнинг биринчи навбатини қабул қилди.

— Уларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришлари, фойдали машғулотлар билан шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилди, — дейди оромгоҳ директори Баҳодир Сотимов. — Озиқ-овқат таъминоти яхши йўлга қўйилган. Болаларга уч маҳал иссиқ овқат билан бирга таркиби турли дармондориларга бой сабзавот ҳамда мевалар тортиқ қилинмоқда. Ётоқхона шинам ва қулай. Оммавий тадбирлар ҳамда спорт машғулотлари ўтказишга мўлжалланган майдонларимиз, турли тўгаракларга ихтисослаштирилган хоналар, чўмилиш ҳавзаси болажонларга ёзги таътилнинг мазмунли ўтишида асқотмоқда. Шунингдек, оромгоҳда маънавий-маърифий йўналишдаги тадбирлар ҳам уюштирилмоқда. Бунда «Оғасарой» маҳалласи фаоллари, зиёлилари билан ҳамкорлик қўл келаётир.

Куни кеча бу ерга вилоятдаги бир гуруҳ зиёлилар, маънавият тарғиботчилари ташриф буюришди. Вилоят маънавият ва маърифат кенгаши тарғибот гуруҳи раҳбари, Наманган давлат университети доценти Бахтиёр Исоқов, Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари Илҳомжон Раҳматов ва бошқаларнинг мазмунли суҳбатлари болаларга янада кўтаринкилик бағишлади. Ўз навбатида оромгоҳда дам олаётган ўғил-қизлар она-Ватан, мустақиллик, бахтли болалик ҳақидаги шеърларни ёддан ўқиб бердилар. Тадбир ниҳоясида оромгоҳ кутубхонасига Республика Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан чоп этилган янги китоблар, қўлланма ва плакатлар мажмуи совға қилинди.



Умуман олганда, жорий йилда вилоятда мактаб ўқувчиларининг ёзги таътилларини мазмунли ўтказиш, мароқли дам олиш ва саломатликларини мустаҳкамлашлари учун 9 та ана шундай стационар, 73 та кундузги оромгоҳ ташкил этилган.

Ҳозирги вақтда жойлардаги таълим муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва маънавият тарғиботчилари ҳамкорлигида оромгоҳларда турли тадбирлар уюштирилмоқда.

**Жамшид БЕК**
**«Mahalla»**

ОЛОВ – ТИЛСИЗ ЁВ

## Ҳамкорлик самара бераётир

**Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш, кишиларнинг бу борадаги кўникма ва тайёргарлигини оширишда соҳа ходимлари билан маҳалла фуқаролар йиғинлари мутасаддиларининг доимий ҳамкорлиги кутилган самараларни беради.**

Бектемир тумани ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси ходимлари томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тумандаги 12 та маҳаллада 128 маротаба учрашув ўтказилди. 4604 нафар аҳолини қамраб олган бу тадбирлар, асосан, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг туман бўлинмаси ташаббуси билан ташкил этилди. Тарғибот ишларида аҳоли ёнғинларнинг олдини олиш, ёнғин чиққанда қандай йўл тутиши, кўпқаватли уйлар ва биноларда қай тарзда ҳаракатланиш, шикастланганларга тез тиббий ёрдам кўрсатишдек зарурий тушунчалардан хабардор этилди.

Аҳоли ўртасида ўтказилаётган бундай тарғибот тадбирларининг аҳамияти катта. Чунки содир бўлаётган ҳар бир офат, аввало, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билмасликдан ёки уларга риоя этмасликдан келиб чиқади. Тадбирларда ёш болаларнинг ҳам иштирок этаётгани айрим нохушликларни бартараф этиш, салбий ҳолатларнинг олдини олишда қўл келади.

Маҳалладаги ёши улуғ кишилар тажрибаси ҳар соҳада асқотади. Жумладан, кичкинтойларга ёнғинлар ҳақида қизиқарли ва қисқача, таъсирчан усулларда сўзлаб, кўникма шакллантиришда ҳам бу азиз инсонлар мушкулимизни осонлаштираётир.

Қисқаси, Бектемир тумани ИИБ ЁХБ ходимлари юртдошларимиз ҳаёти ва мол-мулкини тилсиз ёвдан сақлашда маҳаллаларнинг бекиёс таъсир кучидан унумли фойдаланиш учун тузилмалар билан ҳамкорликни тобора мустаҳкамламоқдалар.

**Бекзод ПАРМОНОВ,**
**Бектемир тумани ИИБ ЁХБ катта инспектори, кичик сержант.**

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
236-53-93 233-39-89
236-53-75 236-57-62
Факс: 233-10-73

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Н.Очилов
Нашр навбатчиси: Б.Ҳалимов
Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.

23724 нусхада чоп этилди. Буюртма J-7378
Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.00